№31 (25003) 2025-yil 1-avgust, juma

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan



# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

t.me/farhaqiqati http://farhaqiqat.uz/

## ХИТОЙЛИКЛАР ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТДИ



**“ZHEJIANG BIOCLEAN MACHINERY TECHNOLOGY CO., LTD” КОМПАНИЯСИ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПАНИЯЛАРИДАН БИРИ. У САНИТАРИЯ СОҲАСИДАГИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН. ШУНИНГДЕК, ТЕХНИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ, ЯНГИЧА ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ МАХСУС ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ.**

Мазкур компания Фарғонада санитария техника воситалари, чиқиндиларни қайта ишлаш учун жиҳозлар ҳамда сув ва ҳаво тозалаш ускуналарини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Фарғона вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ўтган куни компания бошқаруви раиси Руан Жихуа бошчилигидаги делегацияни қабул қилган чоғда ана шу истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Дўстона ва самимий ўтган учрашувда вилоят раҳбари, аввало, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларга тўхталиб ўтди. Изчил ривожланиб бораётган ҳамкорлик натижасида вилоятда Хитой компаниялари билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хайрулло Бозоров билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлашини ҳамда инвесторларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Қабул якунида лойиҳаларни аниқ режа асосида бошлаш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан келишиб олинди.

**(Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати хабари асосида тайёрланди).**

**Муслимбек ТЎЛАНОВ олган сурат.**

## ТОҒ БАҒРИДАГИ ОРОМГОҲ – МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ МАСКАНИ

**СЎХ – ЎЗИНИНГ БЕТАКРОР ТАРИХИ ВА ТАБИАТИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИГАН ВИЛОЯТИМИЗНИНГ АНКЛАВ ҲУДУДИДИР. БЕШ-ОЛТИ ЙИЛ ИЛГАРИ КИМДИР БУ ЕРДА ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ БУНЁД ЭТИЛАДИ, ДЕСА ИШОНМАЙДИГАНЛАР КЎП ЭДИ.**



Не бахтки, 2021 йилда давлат раҳбарининг топшириғи ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кўмагида 28 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланиб, беш гектарлик кенг ҳудудда оромгоҳ қад ростлади. Замонавий инфратузилма, шинам хоналар, хавфсизлик ва болалар учун зарур бўлган барча шароитлар – ҳар бир сўхлик ота-онанинг орзусини рўёбга чиқарди.

(Давоми 3-бетда).

### Оғриқларимиз

## Йўл юрамиз, мўл юрамиз, АММО...



**ЮРТИМИЗНИНГ АЙРИМ ҲУДУДЛАРИДА ЙЎЛЛАР ҲОЛАТИ ОРЗУ ҚИЛИНГАНДЕК ЭМАС. ЎЙДИМ-ЧУҚУР, ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛЛАР, ЙЎҚОЛИБ КЕТГАН ЙЎЛ ЧИЗИҚЛАРИ – БУЛАР НАФАҚАТ КУНДАЛИК ҲАРАКАТНИ, БАЛКИ ИНСОН ҲАЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА.**

Жорий йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши айнан шу муаммоларга қаратилди. Йиғилишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмани тубдан ислоҳ қилиш ва шаҳарлардаги тирбандликларни камайтиришга оид аниқ вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

### Аччиқ, аммо очиқ гаплар

## НЕГА аҳоли спутник лойиҳасидан НОРОЗИ?





**– “КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ” ДАСТУРИ БЎЙИЧА ТУМАНИМИЗНИНГ ЭНГ ОҒИР АҲВОЛДАГИ 6 ТА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ТАНЛАБ ОЛИНИБ, АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА БАЖАРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МАҚСАДЛИ ВАЗИФАЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИБ ОЛГАНМИЗ, ДАСТУРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, БИЗГА “ЎЗАГРОКИМЁСАНОАТ” АЖ ТОМОНИДАН 18 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛГАН. БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР АСОСИДА ТИЗИМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛЯПТИ. ҲАММАСИ ЯХШИ, АҲОЛИ ЖУДА ХУРСАНД, – ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАР УЮШМАСИ ЁЗЁВОН ТУМАНИ БЎЛИМИ РАИСИ МИРЗОҲИД ҲАТАМОВ.**

(Давоми 2-бетда).

### Виртуал дунё – сунъий бахт

## Замонавий ҚАРАМЛИК ёки “лайк” учун ўтаётган умрлар



**БУГУНГИ КУНДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНДИ. КУНИМИЗНИНГ КЎП ҚИСМИ ТЕЛЕФОН ЭКРАНИГА ТИКИЛИШ БИЛАН ЎТМОҚДА. БИР ҚАРАШДА БУ – ТАРАҚҚИЁТ, АХБОРОТГА ОЧИҚЛИК, ДУНЁ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИКДЕК ТУЮЛАДИ. АММО КЎПЧИЛИК ЎЗИНИНГ ШАХСИЙ ҲАЁТИНИ, ҲАТТО ЭНГ МАЙДА ДЕТАЛЛАРИНИ ҲАМ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРГА САРФ ЭТИШНИ ЎЗИГА БУРЧ ДЕБ БИЛАЁТГАНИ АЧИНАРЛИ ҲОЛАТДИР.**

Бир пайтлар инсонлар оила даврасида овқатланиб, шукурини қилган, дастурхон атрофида ўзаро суҳбат-у маслаҳатлашган, биргаликда китоб ўқишган. Бугун эса еганимиз, ичганимиз, кийганимизгача аввало телефонга суратга оламиз, видео ясаймиз, кейин уни ижтимоий тармоқдаги саҳифамизга жойлаймиз. Ейилган таомнинг таъми эмас, балки унга кимлар қанча “лайк” босгани кўпроқ қизиқ...

Яна бир ажабланарли ҳолат: янги кийим, янги телефон, қиммат совға – буларнинг барчаси, биринчи навбатда, яқинлар билан эмас, балки ижтимоий тармоқ “дўстлари” билан бўлишилади. Кимдир қиммат ресторанда овқатланади, лекин қўшнисининг уйида бир ҳафтадан буён қозон қайнамаётганини кўриб-кўрмасликка олади. Бу хатти-ҳаракат на нафсни тўйдиради, на кўнгилни тинчлантиради. Зеро, мақтаниш билан бахтли яшаб бўлмайди.

(Давоми 3-бетда).

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# НЕГА аҳоли спутник лойиҳасидан НОРОЗИ?

(Бошланиши 1-бетда).

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида туманда маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш бўйича ишлар авж олган. Жойлардаги бир неча йиллардан буён тўпланиб қолган муаммолар ижобий ечим топмоқда. Бу ҳақида кейинроқ ёзамиз. Аввал хурсандчиликлар қатори жиддий эътирозлар ҳам борлиги, айрим ишларнинг ўз вақтида бажарилмаётгани ва сифатсизлигидан фуқаролар норози бўлаётгани ҳақида тўхталиб ўтсак. Зора, мутасаддилар дастур ижросига масъулият билан ёндашса!

“Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини туманнинг энг чекка ҳудудларидан бири. Бу ерда 550 та хонадон бўлиб, 780 та оила истиқомат қилади. Аҳолининг умумий сони 2700 нафарни ташкил қилади. Маҳалла 2024 йилда “оғир ҳудуд” сифатида рўйхатга олинган. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурига киритилган маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадлари учун 3 миллиард 200 миллион сўм ажратиладиган бўлди. Белгиланган чора-тадбирларга кўра, 3,3 километр оқава сув ариқларини реконструкция қилиш, бетонлаш, 2,9 километр ички йўлларни асфальтлаштириш, 2 та янги трансформатор, 78 та темир-бетон таянч устун, 50 та тежамкор ёритгич ўрнатиш, 2 километр СИП кабелини тортиш, интернет тармоғини улаш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилганди. Аммо...”Ишлар ўлда-жўлда”. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одинахон Алфайзиева дастур доирасидаги ишларга шундай баҳо берди.

Унинг жонкуярлик билан таъкидлашича, ички йўлларни текислаш ва асфальтлаштириш учун 1 миллиард 138 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлса-да, ишлар бошлангани йўқ. СИП кабели ҳалигача маҳаллага етиб келмади, интернет тармоғини тортиш учун 225 миллион сўм ажратилмагани боис, бу масала ҳам сўроқ остида турибди. Ўрнатилиши керак бўлган 78 та темир-бетон таянч устуннинг 60 таси “қад кўтарди-ю”, қолгани номнишонсиз йўқолди.

– Фуқароларимиз давлат дастури ижросидан норози, – дейди Одинахон Алфайзиева. – Улар жуда меҳнаткаш, асосан деҳқончилик ортидан даромад топишади. Мана уч-тўрт ой бўляптики, миришкорларимиз ариқларда сув йўқлиги учун томорқалари ва фермер хўжалигидаги экинларини суғоришга қийналишяпти. Арикларни реконструкция қилиш ва бетонлаштиришга 1 миллиард 750 миллион сўм ажратилган, лекин бу маблағ мақсадли сарфланмаяпти. Қурувчи ташкилот ходимлари хоҳласа ишга келишади, хоҳламаса йўқ.

Бунинг устига бетонлаштириш сифатсиз бажарилмоқда. Бир яхшигина катта ариғимиз бор эди. Реконструкциядан кейин торайиб қоляпти. Шу сабабли фуқаролар бизга, қурувчиларга эътирозларини билдиришмоқда. Аммо натижа йўқ, пудратчи ташкилот лойиҳа бўйича ишлар бажарилаётганини рўкач қилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан суҳбатимиз чоғида, дастур лойиҳаси бўйича саволларимизга жавоб берар экан, қишлоққа ҳеч ким келмасдан лойиҳа тайёрлаганидан афсусдалигини билдирди.

– Суриштирувимга жавобан айтишларича, лойиҳа спутникдан олинган маълумотга асосан тайёрланибди. Лойиҳачилар осмонга қарамай, аҳоли таклифини эшитганда эди, эътирозларга ўрин қолмасди. Давлат раҳбари халқнинг ичига кириб бориш, уларни эшитиш, маҳаллаларни обод қилиш бўйича жон куйдирса-ю, мансабдорлар ажратган маблағларни тўғри йўналтирмаса! Биз тендер танлови  маблағ ўзлаштириш учун қилинар экан, деган ўйга бориб қолдик, – дейди у.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Ёзёвон туманининг камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллаларида дастурдан келиб чиқиб, иинфратузилмани яхшилаш бўйича хайрли ишлар бажарилмоқда. Йиғин раислари ва фуқаролар билан мулоқот чоғида, улар кундан-кунга юз бераётган ижобий ўзгаришлардан хурсандликларини билдиришди.

“Иштирхон” маҳалла фуқаролар йиғинида жорий йилнинг ўзида 3,2 километр ариқлар бетонлаштирилди, 2 та ТП, 130 та темир-бетон таянч устунлар ўрнатилди, 4,2 километр масофага СИП кабеллари тортилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга 11 та тикув машинаси, 3 та мотокультиватор, 1 та пайвандлаш жиҳози, 1 та инкубатор берилди, 10 та хонадонга товуқлар тарқатилди.

– Яқин кунларда маҳалламизга яна 150 миллион сўм ажратилади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасанбой Араббоев. – Режамизга кўра, бу маблағга бир неча хонадонларга қуёш панеллари ўрнатилади.

Туман ҳокимининг “Сувлиариқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёрдамчиси Иброҳимжон Комилов маҳаллага ажратилган 3 миллиард сўм маблағ ҳисобидан маҳаллаларнинг ички йўлларини асфальтлаш, электр таъминоти ва суғориш иншоотларини яхшилашдан ташқари, оғир хасталикка чалинган бир аёлнинг даволаниши учун 19,5 миллион сўм тиббиёт муассасасига, талаба қизнинг контракт тўлови учун 4 миллион сўмдан ортиқ маблағ олий ўқув юрти ҳисобига ўтказиб берилганини маълум қилди.

Худди шунингдек, “оғир ҳудуд” ҳисобланган “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинида камбағалликдан фаровонлик сари тамойили бўйича ибратли чора-тадбирлар амалга оширилаётганидан аҳоли мамнун.

Бугун юртимизда аҳоли турмуш шарт-шароитини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг натижадорлигига эришиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Аммо биз айтиб ўтгани каби ижро борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Агар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури бўйича маҳаллаларга бириктирилган раҳбарлар аҳоли вакиллари билан юзма-юз учрашиб турса, уларнинг муаммоларини ўрганиб борса, жойлардаги эътирозларга ўрин қолмасди.

**Рустам ОРИПОВ.**

---



Оғриқларимиз

# Йўл юрамиз, мўл юрамиз, АММО...

**(Бошланиши 1-бетда).**

Фарғона вилоятида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қарийб 20 минг километрни ташкил этади. Улардан фақат 4 минг километр атрофидаги марказий магистраллар ҳисобланса, қолган қисми туманлар, маҳаллалар ва қишлоқлардаги ички тармоқлардир. Ҳозирги пайтда йўл инфратузилмасида аҳоли бир қанча муаммоларга дуч келаётгани бор гап. Жумладан, баъзи ички йўллар таъмирталаб ҳолатда, пиёдалар ўтиш жойлари, светофор ва тўсиқлар етишмаслиги натижасида ҳаракат хавфсизлиги таъминланмаяпти.

– Энг катта муаммо йўллар инфатузилмаси билан боғлиқ. Баъзи ҳолларда йўл қурилишида сифатсиз материаллардан фойдаланишади. Лойиҳа талаблари бор, лекин уларга амал қилинавермайди. Натижада йўллар узоғи билан бир ёки икки йилгача чидайди, кейин эса вайрона бўлиб қолади. Йўлларга вақтида техник хизмат кўрсатилмайди, қаердадир катта чўкмалар ёки ўпирилиш ҳосил бўлса, қаердадир бўртиш юзага келади. Бундай жойларга "ямоқ" тушади. Бу фақат муаммонинг устини ёпиш, холос. Орадан бир ой ўтмасдан яна ўша ҳолатлар такрорланади, – дейди кўп йиллик тажрибага эга жамоат транспорти ҳайдовчиси Юнусали Шокиров. – Умуман, оддий ҳайдовчилар дардини эшитадиган одам, мулоқот платформаси йўқ. Асоссиз қўйилган тақиқловчи белгиларни олиб ташлаш жуда муҳим.

Вилоят ҳудудидан ўтган иккита халқаро йўлларда ер ости ва ер устидан қайрилиб олиш тармоғи йўқ. Гавжум жойларда, хусусан, Фарғона шаҳридаги халқ тилида айтиладиган “Аския” чорраҳасидаги кесишмада узоқ йиллардан буён ер ости ва усти орқали пиёдалар йўлаги ташкил этилмагани жиддий муаммолардан ҳисобланади.

Вилоятимизнинг баъзи ҳудудларида – масалан, чекка туман ва қишлоқларда ички йўлларнинг сифатсизлиги аҳолининг ҳақли эътирозини келтириб чиқармоқда. Йўл белгиларининг йўқлиги ёки эскирганлиги, ёритиш воситаларининг етарли эмаслиги, светофорлар ўрнатилмаганлиги каби омиллар йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари йиғилишда ўтган йили 9 минг 364 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани, ушбу мудҳиш ҳодисаларда қарийб 9 минг фуқаро жароҳат олгани ҳақида фикр юритар экан, ачинарлиси, авариялар туфайли 2203 нафар одам ҳалок бўлгани, фожиали ҳолатлар асосан Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларига тўғри келишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Президент ташаббуси билан мамлакатимизда “Хавфсиз йўл” миллий дастурини амалга ошириш белгиланди. Бу дастурга 2025 йилда давлат томонидан 400 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, фото ва видео радарлар орқали жарима тушумларининг 25 фоизи ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтирилади.

Демоқчимизки, йўл инфратузилмасини яхшилашда илгаргидек маблағ масаласи муаммо қилиб кўрсатилмайди. Мутасаддиларнинг зиммасига юклатилган вазифани шаффоф тарзда, жамоатчилик эътиборига очиқ ҳолатда адо этиши ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланишига замин яратади.

Вилоятимизда “Хавфсиз йўл” дастури доирасида махсус Ишчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилди. Гуруҳ томонидан йўл-транспорт ҳодисалари кўп қайд этиладиган масканлар ўрганилиб, уларни тартибга солиш, йўл белгилари ва чизиқларини янгилаш, пиёда йўлаклари ташкил этиш каби масалалар юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Олиб борилган дастлабки ўрганишлар хулосасига кўра, ҳозирда вилоят бўйича 3000 дан зиёд йўл белгиси етишмайди, 7000 дан ортиқ белгилар эса замонавий талабларга жавоб бермайди.

Транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатини мувофиқлаштириш, хавфсизликни таъминлаш мақсадида 53 та янги светофор қурилмаси ўрнатиш, 154 км пиёдалар, 129 км велосипед йўлаклари барпо этиш зарурати мавжуд. Шунингдек, 56 та мактаб олдига қавариқ қопламалар, 10 та ҳудудда тезликни чеклаш учун сунъий нотекисликлар, пиёда оқими юқори бўлган 18 та нуқтада ер усти ва ер ости пиёда кўприклари қуриш, 204 км йўлга сунъий ёритиш мосламалари ўрнатиш талаб этиляпти.

Муаммолар орасида энг оғриқлиси – автотураргоҳ масаласи. Кўпинча транспорт воситалари дуч келган жойга қўйилади, бу эса йўл четларида сунъий тўсиқлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ҳайдовчилар қонуний “парковкалар” етишмагани учун машиналарини йўл бўйига қўйишга мажбурликларини билдиришмоқда. Шу боис, кўп қаватли автотураргоҳларга эҳтиёж жуда юқори.

Қайд этганларимиз муаммоларга бир нечта мисол ва рақамлар холос. Ҳали ишчи гуруҳ ўзи ишини давом эттирмоқда. Аслида, мазкур фактларнинг ўзиёқ вилоят йўл инфратузилмасида ечимини кутаётган муаммолар қанчалик кенг кўламли эканини яққол намоён этмоқда.

– Вилоятимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва инфратузилмани яхшилаш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифалар долзарб ва аниқ ечимларга йўналтирилмоқда. Энг муҳими, ушбу чора-тадбирларни самарали ва тизимли амалга ошириш орқали аҳоли учун хавфсиз, қулай ва замонавий йўл муҳитини яратиш назарда тутилмоқда. Йўлларда бетон ва темир тўсиқлар, тротуар, йўл белгиси етишмаслигини аниқлаш, инфратузилмаларни яхшилаш борасида олдимизда жуда кўп вазифалар борлигини кўрсатди. Камчиликларни бартараф этиш маблағ билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, “Хавфсиз йўл” миллий дастури доирасида “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” жамғармаси ташкил этилмоқда. Жамғарманинг фаолияти шаффоф бўлади, унга вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиқлари, жамоатчилик вакиллари масъул, – дейди вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси мутахассиси Акмалжон Маҳмудов. – Аввал йўлнинг ягона “эгаси” йўқ эди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимидаги йўл белгилари ва светофор ўрнатиш, йўл чизиқларини чизишга масъул корхоналар ҳам вилоятга ўтказилмоқда. Қолаверса, бундан буён ушбу жамғарма маблағлари биринчи галда авария ўчоқлари бўлган хавфли участкаларни тартибга солишга, йўлни ажратувчи тўсиқлар, йўл белгилари, ёритгичлар ўрнатиш, пиёда йўлаклари ташкил қилиш, чорраҳаларни рақамлаштиришга йўналтирилади.

Дарвоқе, эндиликда муаммоли участкаларни аҳоли ва жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида аниқлаш мақсадида алоҳида электрон портални ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Бундан буён туман ҳокимлари, ички ишлар органлари раҳбарлари ушбу порталга қаерга белги, чизиқ, пиёда йўлаги ва светофор кераклиги ҳақидаги маълумотни смета билан очиқ жойлаштиради.

Аҳоли ҳам ушбу рўйхатни тўлдириши, лойиҳаларга овоз бериши мумкин бўлади. Порталга қилинган ишларнинг видео ва фотосуратлари қўйилади, буни аҳоли баҳолайди. Йил якунигача қанча ер ости ва ер усти қайрилиш тармоғи, пиёдалар ўтиш жойлари, замонавий нур қайтарувчи йўл белгилари ва чизиқлари кераклиги бўйича техник-иқтисодий асос ишлаб чиқилади.

Умуман, келгусида амалга оширилиши кўзда тутилаётган инновацион ёндашувлар кўп, бироқ улар нечоғли амалга ошишини вақт кўрсатади.

**Муаттар МАҲМУДОВА.**

---

# КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КУШАНДАСИДИР



# БУ ИЛЛАТ ДАВЛАТ, ШАХС ТАНЛАМАЙДИ, БАЛКИ ИНСОН УНИ ТАНЛАЙДИ

**ДАРВОЗАМИЗНИ ТАҚИЛЛАТИБ, ҚЎШНИ АЁЛ КИРИБ КЕЛДИ. “ЖУРНАЛИСТСИЗ, ТАНИШ-БИЛИШИНГИЗ КЎП. ЁЛҒИЗ ЎҒЛИМНИНГ ТАШКИЛОТИДАГИ КАМОМАДИ АНИҚЛАНИБ, ИШИ ТЕРГОВГА ТУШИБ ҚОЛДИ. ШУНИ БИР ЁҚЛИК ҚИЛАДИГАН ОДАМ БЎЛСА, ЯХШИГИНА РОЗИ ҚИЛАР ЭДИК”, ДЕЯ ЁЛВОРДИ. МЕН БУНИНГ ИЛОЖИ ЙЎҚЛИГИНИ ҲАР ҚАНЧА ТУШУНТИРМАЙ, У ЖАВОБИМНИ ҲАЗМ ҚИЛОЛМАДИ, ГАПИНИ ЯНА ЎША ОДАМНИ “ҚУРУҚ ҚЎЙМАСЛИК”КА ТАҚАЙВЕРДИ... АХИЙРИ ҲАФСАЛАСИ ПИР БЎЛГАН ҚЎШНИМ ЧИҚИБ КЕТДИ. МЕН ЎЙГА ТОЛДИМ...**

“Пулинг бўлса чангалда шўрва”. Шундай гап бор халқ орасида. Таъмагир, ўз мансабини суиистеъмол қиладиган айрим шахсларнинг “муҳтожлар”га қўштирноқ ичидаги “ёрдам қўлини чўзиши” шу фикрни келтириб чиқаргани шубҳасиз, деб ўйладим. Ҳа, ҳалигача содда инсонлар катта-ю кичик муаммосини маълум “чой-чақа” эвазига бартараф этмоқчи бўлишмоқда. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу бор гап. Чунки, кунда-кун ора ижтимоий тармоқлар орқали “фалон раҳбар мана шунча минг АҚШ доллари олаётганда ушланди”, “мана шунча пора билан қўлга олинди” қабилидаги хабарлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндай пайдо бўляпти. Ҳатто кимларнингдир “елка қисиб тургани”дан фойдаланиб, уларни чув тушириш пайида бўлаётганлар ҳам йўқ эмас.

**Расмий каналлар, ижтимоий тармоқлар хабар беради:**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ОҲАНГАРОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА БЎЛИМ БОШЛИҒИ ЛАВОЗИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ МАНСАБДОР ШАХС МАҲАЛЛИЙ ФУҚАРОНИНГ ИШОНЧИГА КИРИБ, ҲОКИМИЯТ БАЛАНСИГА ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН УЧ ХОНАЛИ ХОНАДОННИ СУД ТИЗИМИДАГИ ТАНИШЛАРИ ОРҚАЛИ УНИНГ НОМИГА РАСМИЙЛАШТИРИБ БЕРИШ ЭВАЗИГА 9500 АҚШ ДОЛЛАРИ ОЛГАН ВАҚТИДА УШЛАНДИ.**

Бошқа хабарларда ёзилишича, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳокимининг ўринбосари, Наманган вилояти, Косонсой туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалик раҳбари, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Андижон вилояти бошқармасида бўлим бошлиғи хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда пора олган вақтларида ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Маълумотларга қараганда, республикамиз бўйлаб 2023 йилда 3575 нафар мансабдорлар жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, 2024 йилда уларнинг сони 4 906 нафарга етган. Жорий йилда эса... ”Ғалвир сувдан кўтарилганда” натижа нимани кўрсатаркин?!

Сизга аллақачоноқ таниш бўлган маълумотларга нега мурожаат этяпмиз?! Нега давлат сиёсати даражасида коррупцияга қарши кенг миқёсда кураш олиб борилса-ю, таъмагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ортиб боряпти?! Пора билан қўлга олинаётганлар нима сабабдан ҳатто жиноий жавобгарликдан ҳайиқмай қолишди?! Давлат бюджети маблағини талон-тарож қилиб, халқ ризқига кўз олайтираётганлар наҳотки виждон, охират азобидан қўрқишмаса?!

Юқоридаги маълумотларда қонунчилик нуқтаи назаридан айбланаётган фуқаролар ҳокимлик, бошқарув идоралари, нуфузли идоралар мансабдор шахслари эканлиги қайд этилган. Демоқчимизки, улар мансаб курсисига ўтиргунга қадар, “минг чиғириқ”дан ўтишган, халқ, давлат уларга ишонч билдирган. Билими, қобилияти, тажрибаси инобатга олинган. Муҳими, давлат раҳбари, республика ҳукумати мансабдорларга катта эътибор қаратиб, ижтимоий қўллаб-қувватламоқда, яхши маош билан таъминламоқда. Улардан халқ ва жамият ривожи учун шаффоф, холис ва адолатли хизмат қилишни талаб этилмоқда. Афсуски, коррупцион ҳолатлар барҳам топмаяпти. “Гуруч курмаксиз бўлмагани” каби лавозими ваколатларидан “унумли” фойдаланиб, айтиш жоиз бўлса, халққа ва давлатга хиёнат қилаётган “катталар” йўқ эмас. Натижада “ёғли жой”ни бир муддатли хазина манбаи билиб, чўнтагини тезроқ қаппайтириб олмоқчи бўлаётган “ҳожатбарор” амалдорлар юртдошларимизнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқаришмоқда.

Республикамизда ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб фаолият олиб бораётган, изланувчан ва талабчан раҳбарлар жуда кўп. Агар коррупция – маълум манфаат эвазига хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш, бу жамият иллатига дунёнинг жуда кўплаб давлатларида катта хатар сифатида қаралаётганини ҳисобга олсак, унинг илдизи, энг аввало, инсон ахлоқига, шунингдек, жамиятдаги муҳит ва қонун устуворлигига бориб тақалади. Демакки, коррупция давлат, шахс, жинс, ёш танламайди, балки инсоннинг ўзи уни танлайди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши қонунчилик, тегишли жазо чоралари мавжуд. Жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонун қабул қилинган. Унга кўра, “Коррупцияга шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг фойдасиини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”, дея таърифланган. Ҳужжатда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, бундай жиноят содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан, муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Хулосаларимни жамлаб айта оламанки, миллат, жамият кушандаси бўлган коррупция хавфсизлигимизга таҳдид солиб, мамлакат тараққиётини ортга суради. Инсонларни ҳалолликдан чалғитиб, таъмагирлик йўлагига тортқилайди, охир-оқибат боши берк кўчага бошлаб киради. Бу масалада давлатимиз раҳбари “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз” деб таъкидлаганлар.

**Маҳиёра БОЙБОБОЕВА.**

**(Давлат гранти асосида тайёрланди).**

# ОЛТИАРИҚ УЗУМЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ ОЛМОҚДА

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ТИЗИМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛГАНЛИГИ НАТИЖАСИДА ҲУДУДЛАРДА УЗУМ БОҒЛАРИ МАЙДОНИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. ВИЛОЯТДА 5 МИНГ ГЕКТАР ТОКЗОР МАВЖУД БЎЛИБ, ШУНДАН 4 МИНГ ГЕКТАРИ ОЛТИАРИҚ ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН.**



Узум Олтиариқнинг ўзига хос брендига айланган. Туманнинг 72 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 40 мингдан ортиқ хонадоннинг деярли ҳар бирида ушбу мева етиштирилади. Айни кунларда ишкомларда пишиб етилган ҳосил ички бозорда сотилишидан ташқари, экспортга ҳозирланмоқда.

Азалдан Олтиариқ узумларига хорижий давлатларда талаб катта. Биргина 2024 йилда 70 минг тонна узум Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Осиё, Европа қитъаси давлатлари, ҳатто олис АҚШга ҳам етиб борган.

"Хайрулло-Баҳром Бойматов" фермер хўжалигида жаҳон бозорида харидоргир, серҳосил навларни маҳаллийлаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Салкам 100 гектар майдонни ташкил этадиган боғларда узумнинг "ҳусайни", "келинбармоқ", "Ризамат", "мерседес" каби 20 га яқин навлари етиштирилмоқда. Йилига 3 минг тонна ҳосил олиняпти. Боғ ёнида 2 минг тонна сиғимга эга бўлган совутгичли омбор қурилган. Ҳосил шу ерда сақланиб, сараланиб, чет давлатларга экспорт қилинади.

Фарғона вилояти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси ҳосилни чет давлатларга жўнатиш жараёнларида олтиариқлик миришкорларга яқиндан кўмаклашиш мақсадида туну кун фаолият олиб борадиган "Экспортга кўмаклашиш маркази"ни ташкил этди. Бу ерда карантин инспекторлари томонидан фитосанитария сертификати расмийлаштирилади. Маҳсулотлар кичик лабораторияда текширувдан ўтказилади. Юк машиналарини зарарсизлантириш мақсадида фумигация ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Экспортга кўмаклашиш марказида деҳқонлар ва фермер хўжаликлари вақтининг тежалиши ва барча ҳужжатларининг бир жойда расмийлаштирилиши экспорт салоҳиятини ошириши шубҳасиз.

**Рустамжон МАМАЖОНОВ.**

# Тоғ бағридаги оромгоҳ – МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ МАСКАНИ

**(Бошланиши 1-бетда).**



Пурвиқор тоғлар бағрида, сой бўйида, яшил табиат қўйнида жойлашган бу маскан ҳозирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келаётган болажонлар учун мароқли ҳордиқ жойига айланган.

Оромгоҳ бир вақтнинг ўзида 180 нафар ўқувчини қабул қилиш имкониятига эга. Тўрт мавсумда болажонларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли кўнгилочар танловлар, мусобақалар ва маданий тадбирлар ташкил этилган. Шунингдек, дам олувчилар инглиз тили, робототехника ва компьютер технологиялари каби тўгаракларда билим ва кўникмаларини бойитишмоқда.

Оромгоҳда ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган педагог-тарбиячилар, етакчилар ва тўгарак раҳбарлари хизмат қилмоқда. Ички ишлар ходимлари тартиб-интизомни, тиббиёт ходимлари эса болалар саломатлигини назорат қилиб туришибди. Шу билан бирга, ошпазлар болаларни мазали ва тўйимли таомлар билан таъминлаб, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етишларига ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳар қандай ота-она фарзанди учун шундай хавфсиз, намунали ва тарбиявий муҳитни истайди.

– Илгарилари қизимга "оромгоҳ" нима эканини сўз билан тушунтириб бериш қийин эди. Шукурки, туманимизда фаолият бошлаган соғломлаштириш маскани нафақат дам олиш жойи, балки ёш авлодга бўлган эътиборнинг амалдаги ифодасига айланди, – дейди сўхлик Маҳфуза Икромова. – Қизимдан хабар олгани борганимизда қаерда бўлгани, нималар қилгани, қандай дўстлар орттиргани ҳақида завқ билан сўзлаб беряпти. Таътилнинг ҳар куни мазмунли ва шодли ўтаётганидан миннатдорман. Энг муҳими – фарзандларимиз ишда бўлган пайтимизда қаровсиз эмас. Улар хавфсиз жойда, етарлича эътибор остида. Кўнглимиз тўқ, хотиржам ишлаяпмиз. Бу эса ҳар бир ота-она учун беқиёс бахт.







Оромгоҳда болалар нафақат дам олишмоқда, балки ўзаро дўстлашишмоқда, қалблари бир олам завққа тўлмоқда. Улар янги ўқув йилига бой таассуротлар, илиқ хотиралар билан қайтишади.

Олмалиқ шаҳрилик Ҳаётбек Мирзалиевнинг айтишича, йўлланмани ота-онаси онлайн платформа орқали олган. Гарчи оиласидан узоқда бўлса-да, бу ердаги дўстона муҳит, қизиқарли тадбирлар уни сира зериктирмаяпти.

Соғломлаштириш масканидаги ижобий муҳит болаларнинг шахсий ривожланиши учун мукаммал имконият яратмоқда. Ҳар бир бола ўзини жамиятнинг муҳим бир қисми сифатида ҳис қилиб, ўз истеъдодларини очишга ва янги салоҳиятларни синаб кўришга ундалмоқда. Машғулотлар болаларда масъулият туйғусини шакллантиришга, муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Жамоавий ўйинлар болаларни биргаликда ишлашга, меҳнатни қадрлашга ва бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатмоқда.

– Табиат инъом этган гўзалликлар, тоза ҳаво ва соғлом муҳит болажонларнинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда ота-оналар фарзандларининг соғлом ва хавфсиз жойда дам олишини хоҳлайди, шу боис, оромгоҳимизга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундан ташқари, бу ердаги шароитлар ҳам ҳар томонлама болалар учун мўлжалланган – замонавий спорт ва ўйин майдончалари, интеллектуал ва ижодий машғулотлар учун зарур шароитлар бор. Ўқувчиларнинг нафақат дам олиш, балки жисмоний ва ақлий ривожланишлари учун имкониятлар кенгайтирмоқда, – дейди "Сўх" болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори Таваккалжон Эркаев.

Яна бир жиҳат шуки, оромгоҳ ёзги мавсумдан кейин хусусий мактаб, ўқув марказлари учун хизмат кўрсатади, ўқув-тарбиявий лойиҳалар амалга оширилади.

**Ўз мухбиримиз.**
**Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**







# ЗАМОНАВИЙ ҚАРАМЛИК ЁКИ "ЛАЙК" УЧУН ЎТАЁТГАН УМРЛАР

**(Бошланиши 1-бетда).**

Концерт, томоша залларида томошабинлардан кўра телефонлар кўпроқ ишлайди. Ҳар бир саҳна, ҳар бир куй сурат ва видеога олиниб, телефон экранига "қамаб қўйилади" ёки шу заҳоти кимгадир юборилади. Натижада дам олиш ниятида борган одам на концертнинг роҳатини ҳис қилади, на санъаткорнинг маҳоратидан баҳра олади. Чунки мақсад – ўзининг "дам олаётгани"ни бошқаларга кўрсатиб қўйиш.

Яқинда Фарғона шаҳрида жойлашган Санъат саройида ўтказилган, ўзим ижодига қизиқадиган ва доимий кузатиб борадиган машҳур хонанданинг концертига бордим. Хотиржам қўшиқ тинглаш ва дам олиш мақсадида смартфонимни овозсиз режимга ўтказиб, хонандага жўр бўлдим. Охирги кунларда "хит" бўлган таронага навбат келганда бутун зал телефонлар чироғидан ёришиб кетди. Бу ердаги деярли барчанинг қўлида телефон видео олишга созланган ҳолда турарди.

> Сифатсиз олинган расм ва видеоларни кўрган иккинчи томон уларни бирор изоҳсиз тушуна олмайди. Баъзан ҳавас, айрим ҳолларда ҳасад билан концерту томошаларга боролмаганининг аламини яқинларидан олади. Бундай ҳаёт тарзи одамни ўз ҳаётидан узоқлаштиради. Инсон ўзини яшаш учун эмас, бошқаларга кўрсатиб қўйиш, ниманидир исботлаш учун яшаётгандек бўлади.

Албатта, технологияни инкор этиш нотўғри. Ундан ўринли фойдаланса – ижтимоий тармоқ билим манбаи, дўстлар билан алоқа воситаси, керакли ахборот олишнинг қулай йўли. Аммо ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби, виртуал ҳаётнинг ҳам чегараси бўлиши лозим.

Интернет, айниқса, смартфон ва ижтимоий тармоқлар ривожи билан инсонларнинг шахсий ҳаёти ҳам оммага ошкор бўла бошлади. Instagram, Facebook, TikTok, Twitter (ҳозирги X) каби платформалар айнан кўз-кўз қилиш "майдончаси"га айланиб қолди. Кимдир ижтимоий тармоқдан бахтини изласа, яна кимдир фирибгарлик тузоғига тушириш учун янги "мижоз" излайди. Бу платформаларнинг бизнес модели айнан шунга асосланган, яъни фойдаланувчи қанчалик кўп контент улашса ва бошқаларга ўзини таққослаш билан овора бўлса, шунча кўп вақт сарфлайди – демак, рекламадан тушадиган фойда ҳам ошади.

Бу каби ҳолатлар кўплаб мамлакатларда авж олмоқда. Масалан, АҚШ ва Европада машҳурликка интилиш, ўз ҳаётини кўрсатиш ҳолатлари жуда юқори. Блогерлар, энг оддий одамлар ҳам ўзининг ҳар бир қадамини видео ёки сурат қилиб "story"га қўяди. Корея Республикаси ва Японияда ҳам виртуал ҳаёт реал ҳаётдан устун қўйилмоқда. Айрим тадқиқотлар буни "self-branding", яъни ўзини "бренд сифатида" кўрсатиш феномени деб атайди.

Кўпчилик психолог ва социологлар бу ҳодисани инсоннинг ўзини ёлғиз ҳис қилиши, эътибор етишмаслиги, "ўзини бошқаларга ёқтириш" истаги билан боғлашади. Оқибатда, одам вақтини реал ҳаётда эмас, виртуал ҳаётда яшашга сарфлайди. Ўтган йили АҚШда ўтказилган тадқиқотларда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида ёлғизлик, тушкунлик, бошқалар билан таққослаш сабабли пайдо бўладиган руҳий босим кучайгани аниқланган.

Психолог-шифокор Зебинисо Аҳмедова бу жараёнда энг муҳим чорани миллий қадриятлар тараннуми ва ақлли гаджетлардан онгли фойдаланиш, дея таъкидлайди. Оилада, мактабда, жамоатчилик орасида интернет маданиятини, виртуал ва реал ҳаёт мувозанатини тушунтириш долзарб масаладир.

Аслида, кишининг еган таомини суратга олиб, ижтимоий тармоққа жойлаш одати – замонавий маданиятнинг бир кўриниши сифатида қаралади. Кимдир буни шунчаки дўстлари билан қизиқарли лаҳзаларни бўлишиш деб билади. Баъзилар учун эса бу – ўзининг турмуш тарзини, молиявий имкониятини, "гўзал ҳаёти"ни кўрсатиш воситасига айланган. Айрим бренд ресторанлар, кафе эгалари буни маркетинг сифатида ҳам рағбатлантиради: мижозлар ижтимоий тармоққа сурат қўйса – реклама бўлади.

Таом билан боғлиқ видео ва суратларни ижтимоий тармоққа жойлаштирган шахснинг қандай мақсад кўзлагани муҳим. Агар у мазали рецепт улашса, ўзининг бирор ошпазлик тажрибаси билан бўлишса, маслаҳат берса – бунинг фойдали жиҳати бор. Аммо, шунчаки "Қаранг, мен нима едим" дейиш кўпинча бошқаларда ҳасад уйғотиш, таққослаш, баъзан камситиш туйғусини пайдо қилади. Яна бир нозик жиҳат: ўзимизга оддий туюлган сурат, бошқа биров учун қаттиқ аламли бўлиши мумкин. Чунки ҳар кимнинг шароити тенг эмас.

Нима қилиш керак? Таом суратини жойлашдан олдин ўйлаш: "Бу кимга нима беради? Кимга фойда?" Рецепт ўрнида, фойдали тавсия, мақсадли шарҳ улашиш, бу – кўпроқ қадрланади. Овқатни исроф қилмаслик, уни намойиш этиб мақтаниш эмас, балки шукур қилиш маданиятини тарғиб қилиш зарур. Демак, овқатни тармоққа жойлашнинг фойдали ва зарарли томони бор. Ҳар бир инсон ўз танловини онгли қилади. Аммо дунё бўйича миллионлаб оч одамлар борлигини унутмаслик, ортиқча исроф ва кўз-кўз қилиш ўрнига шукрона қилиш, бу – кўпроқ инсоний ва маданиятли ёндашувдир.

Бугун кўп давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам, бўлмаган нарсани бор қилиб кўрсатиш, ёлғон бойлик ва ёлғон ҳашамни кўз-кўз қилиш, сохта "совғалар" билан мақтаниш ҳолатлари бор. Бу – нафақат ёлғон ахборот тарқатиш, балки одамлар руҳиятига, оила муҳитига, ҳатто жамиятнинг соғлом қадриятларига жиддий таъсир қилмоқда.

Оддий мисоллар: кимдир машина олиб (узоқ йиллик кредит тўлови асосида ёки вақтинча ижарага), "янгилик" сифатида суратга тушади, "Иккинчи хотинимга", "Эрим машина олиб берди" деган сохта сарлавҳалар билан тармоққа жойлайди. Ёки бошқа биров қимматбаҳо уй олгани, чет эл саёҳатига борганини ижтимоий тармоқда "реклама" қилади. Бошқаларнинг ҳавасини уйғотиш, эътибор қозониш, қадриятларга зид ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, танқид қилинмаслик истаги кўпчиликни эртакдаги ҳаёт тарзини "ясашга" ундайди. Оқибати нима бўлади? Бу сохта "бойлик" бошқаларнинг оиласида можароларни келтириб чиқаради. "Қаранг, фалончининг эри машина олиб берди, нега менда йўқ!?" деган гаплар кўпаяди. Эр-хотин орасида шубҳа, тушунмовчилик пайдо бўлади. Баъзи оилалар ўз имкониятидан ортиқча сарф-харажат қилиб, қарзга ботади. Бу ғавғоларнинг якуни эса – кредит, қарз, стресс, оилавий ажрим, ўз жонига қасд қилиш...

Шу билан бирга, жамиятда ҳақиқий қадриятлар – меҳр, садоқат, қаноат – иккинчи ўринга тушиб, кўз-кўз ва ҳашамат пешқадам бўлиб қолади. Ҳар бир киши, аввало шуни тушуниши керак: ижтимоий тармоқ – реал ҳаёт эмас. Кўпчилик виртуал ҳаётда идеал ҳаёт тарзини кўрсатади, аслида ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин. TikTokда бахтиёр оила жуфтлигини намоён этиб келган икки ёш вайнерлар яқинда ажрашаётганини эълон қилишди. Уларнинг аслида сохта бўлган "бахтли" ва "бой" ҳаётлари аслида сароб эканлигини билган ижтимоий тармоқ кузатувчилари бир-бирига бор алам ва нафратини сочаётган собиқ эр-хотинни ҳайрат билан кузатмоқда. Кеча бўлажак турмуш ўртоғидан қимматбаҳо жиҳоз, сўнгги русумдаги телефон ёки уйни ҳадя сифатида олган блогерлар эртасига ўша йигитнинг аслида "ғирт" фирибгар эканлигини айтиб, ижтимоий тармоқда дод солмоқда...

> Бу каби "сохта" ҳаёт тарзи оммалашишининг олдини олиш учун оила ичида очиқ мулоқот қилиш, имкониятларни тўғри тушунтириш, ота-оналар фарзандларига реал ва сохта бойликни ажратишни ўргатишлари, маърифатли ва маданиятли ҳаёт тарзини йўлга қўйишлари зарур.

Ёлғон ҳашам оилани қувонтирмайди, балки муносабатларга дарз кетишига сабаб бўлади. Ўзининг имконини яшириб, бошқалар билан таққослашнинг фойдаси йўқ. На миллионлаб лайклар, на обуначилар ҳақиқий бахт ўрнини боса олади. Чин дўстлик, оила давраси, меҳр ва самимийлик – буларнинг ҳеч бирини ижтимоий тармоққа алмаштириб бўлмайди.

**Дурдона ҒОФФОРОВА.**



Мозийга назар

# ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИДА ИЖОДКОР АЁЛЛАР КЎП БЎЛГАН. ЖУМЛАДАН, ЎЗ ДАВРИНИНГ ИЛМ СИРЛАРИГА ЭГА, ТЕРАН ЗАКОВАТЛИ, МЕҲР-МУҲАББАТДА ҚАЛБИ БАЛАНД МАЛИКАЛАР ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ВА КЕНГ КЎЛАМЛИ САХОВАТ ИШЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН. АНА ШУНДАЙ САХОВАТПЕША, ТАШАББУСКОР МАЛИКАЛАРДАН БИРИ ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ БИРИНЧИ ҲУКМДОРИ ШОҲРУҲБИЙНИНГ ХОТИНИ НОЗИКБИБИЙДИР.**

Шоҳруҳбий ҳаётининг сўнгги йилларида, яъни тахминан 1719 йилда ўзбек уруғларини бирлаштириш мақсадида қирқ уруғи оқсоқолининг қизи Нозикбибийга уйланади. Шундан сўнг уни Нозикойим деб аташди. Хон бу хотинига Лайлакхона мавзесининг бир томони (шаҳарнинг жанубий қисми)да ер вақф қилиб, шу ерда сарой қурдиради.

Орадан икки йил ўтиб, тахминан 1721 йилда Шоҳруҳбий вафот этгач, Нозикойим доимий яшаш учун шу саройга кўчиб ўтади. Ўзига берилган кошона атрофидаги экин майдонларини яқин қишлоқлардаги камбағал деҳқонларга беминнат фойдаланиш учун тақсимлайди. Оқила аёл ўғли Абдураҳмонхоннинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратгани ҳолда, қишлоқ қизлари учун мактаб очади, уларга дастлабки билим беради. Шунингдек, ўз томорқасидан тушган маблағ ҳисобидан болалар уйи очади, камбағалларни боқади, қишлоқ мактаби харажатларига сарфлайди. Сарой негизида бунёд этилган қишлоқни халқ "Ойимқишлоқ" деб атайди. Кейинчалик хонликнинг бошқа олижаноб аёллари учун ҳам бу манзил муборак масканга айланиб, Қўқон маликалари маълум муддат шу жойда яшашни бурч ва шараф деб биладилар.

Хонлик тарихида ном қолдирган маликалардан яна бири Қўқон ҳукмдори Норбўтабийнинг (1763-1798) хотини, минг уруғи оқсоқолининг қизи Зуҳраойимдир. Шаҳар аҳли маликанинг минг уруғидан эканлигини ҳисобга олиб, "Мингойим" деб атайди.

Бошқа бир манбага кўра, Мингойимнинг асл исми Фахринниса бўлиб, Имом Қулибекнинг қизи бўлган. Малика ҳукмдорга турмушга чиққач, унга сеп сифатида катта ер ажратилади. У шу мулк ҳовлиларидан бирида мактаб очади ва қизларни ўқитиш учун чўриларини ёллайди. Баъзилар ўз ерларини турли масжидлар, мадрасалар, уйлар ва қабристонларга вақф қиладилар. Мингойим Нозикойим набирасининг келини бўлиб, қайнонасидан ўрнак олиб, Ойимқишлоқ яқинидаги ерини камбағал деҳқонларга фойдаланишга беради. Бу ерда пайдо бўлган қишлоқ "Ойимқўрғонча" деб аталади.

Атоқли ўзбек шоираси Нодирабегим ҳам Қўқон маликалари орасида муносиб ўрин тутади. Нодира (Моҳларойим) Андижон ҳокими Раҳмонқулбийнинг қизи бўлиб, у минг уруғи ўзбекларининг кўзга кўринган вакилларидан эди. 1808 йилда Тошкентдаги қўзғолонни бостирган Олимхон Қўқонга қайтиб, Марғилон ҳокимлигини укаси Умархонга топширади. Кейин уни амакисининг қизи Нодирага уйлантиришга қарор қилади. Унинг ақллилиги, одоб-ахлоқи ва гўзаллиги афсонага айланди. Олимхон амакиси билан укаси ўртасидаги қариндошликни мустаҳкамлаб, шу орқали ўзининг сиёсий ҳокимиятини кучайтирмоқчи эди.

Нодирабегим Умархон билан турмуш қургач, аввал Марғилонга, сўнгра Қўқонга келади. 1810 йилда Олимхон ўлдирилгандан кейин Умархон Қўқон тахтига ўтиради. Шу даврдан бошлаб Моҳларойимнинг хон ҳаётидаги ўрни фаоллашади.

Умархон даврида хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари муайян жиҳатларда ҳимоялана бошлади. Бунда Нодирабегимнинг хизматлари жуда катта. У мадрасаларда аёлларнинг ўқиш ва ёзишни ўрганиши учун таълим машғулотлари ташкил этиб, уларга дарс бера бошлади.

Анъанага кўра, Қўқон хони Олимхон (1798-1810) ўз ҳукмронлиги даврида укаси Умархонга 1806 йилда Моҳларойимга уйланиши муносабати билан катта ер беради, бу мулк "Чек Моҳларойим" деб аталади. У бу жойда билимни ривожлантиради, ёш ижодкор қизларни қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, Моҳларойим Қўқон маликалари анъаналарига амал қилиб, қайнонаси Зуҳраойим (Мингойим) ва Нозикойимдан сабоқ олади. Ойим қишлоғида яна бир қалъа бунёд этиб, ночорлар учун фойдаланган.

Илм-маърифатга сезиларли ҳисса қўшган маликалардан бири Шералихоннинг умр йўлдоши, Худоёрхоннинг онаси Ёрқинойим ҳисобланади. Бу аёл қирғиз миллатига мансуб бўлиб, ҳокимият учун курашиш оқибатида Талосга бориб қолган хонзода Шералихонга турмушга чиққан эди.

Шералихон Қўқон тахтига ўтиргач, Ёрқинойим малика сифатида хонликда катта ижтимоий-маърифий ислоҳотларда иштирок этади. Кўп масаллаларда Шералихонга маслаҳатчи бўлади. Шу туфайли халқ орасида "Ҳокимойим" деган нуфузли ном олади. У 1844 йилда шаҳарнинг "Катта қабристон" мавзеида мадраса барпо этади. Мадраса фаолияти учун катта вақф мулки ажратишдан ташқари, ҳар куни ўз ҳисобидан мадраса ҳудудида чалпак пиширтириб, талабалар, мударрислар, мадраса яқинида жойлашган қорихона ўқувчилари ва муҳтожларга тарқатишни ташкил этади.

Шунингдек, бу аёл вафотидан сўнг ҳам мадраса маърифат ишига ҳисса қўшишни давом эттиради, яъни Худоёрхон онаси номига мадраса қурдиради. Мадрасага "Ҳокимойим мадрасаси" деб ном берадилар. Унинг дарвозасидаги ўйма нақшлар ичига "Бу бино уламолар маскани" деган сўзлар ўйиб ёзилган.

Қўқон хонлиги даврида (18-19 асрлар) аёллар жамиятда асосан маънавий ва моддий жиҳатдан ҳам ўз ўрнига эга бўлган, хонлик тарихида адабиёт ва санъат муҳим аҳамият касб этганлигини мана шундай шоира аёллар тимсолида кўриш мумкин. Таълим олиш эркакларга нисбатан аёллар учун анча чекланган бўлса ҳамки, улар илмли ва зиёли бўлиб, келажак пойдевори учун етарлича хизмат қилганлар.

**Нозимахон ФОЗИЛОВА,**
**Қўқон давлат музей-қўриқхонаси кўчма кўргазмалар бўлими мудири.**




– Аҳволинг яхшими, қизим?

– Ҳа, тузукман, ая...

– Овозинг мунча...

– Чарчабман шекилли. Яхшиман, хавотир олманг.

Одатдаги суҳбат она-боланинг кўнглида одатдагидек акс-садо беради: "Ҳоли хароб боламнинг...". "Оҳ, онажон, кошки айтолсам..."

– Текширувга чиқдингми?

– Ҳа, бориб келдим. Яна... вой, ая, кейин гаплашамиз!

Салқин уйда жон сақлаб, бир мизғиб чиққан қайнона ошхонада куймаланиб юрган келиннинг саломига тил учида алик олганча, ҳовли четидаги арикча томон юрди. Юз-қўлини чаяркан, писанда қилди:

– Ҳмм, яна нимага чақиртиришибди, дўхтирларингиз?

– Қоним кам чиқибди, ўшанга... Битта дори ёзишди.

– Дори ёзишдан бошқа нимани биларди булар? Одамдан одам келиши осон эканми!

– Лекин бу дорини... ҳамма иккиқатлар ичаркан.

– Ҳоо? Ичганлар ичаверсин! Дори болани айнитади. Ё ошиб-тошиб ётган дунёингиз борми, ҳа деса дорига югурадиган?

– Жуда арзон экан, аяжон, йўлдаги дорихонадан сўрадим.

– Ҳай-ҳай-ҳай, ишни пишитиб келдим денг? Нарх чемалаш сизга қолибдими энди? Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, дейдилар. Ўғлимнинг топганини совурмай, ана, омбор тўла пиёз, қовуриб енг. Камқонликда пиёздоғидан яхшиси йўқ.

Келин кўз олдига ёғи чилқиллаб турган пиёздоғини келтириб, билдирмайгина бир ўқчиб қўйди. Икки ойдан бери овқатни мондали еёлмаяпти-ю...

Оёғини судраб кунни кеч қилди. Ҳамма телевизорга термулиб ўтирганда, идиш-товоқ ювди, ўринларни ҳозирлади, боши айлангани-ю, ичида нимадир узилиб кетгандек беҳузур ҳолатидан ўзини ёмон кўрди. Қайнонасининг биқинида сериалдан кўз узмай ёнбошлаб ётган эрига қараб, "дори ҳақида ўзига айтаман" деган қароридан қайтди. У ҳам бирнима деб, баттар қилмасин. Худо пошшо...

Ётоғига кириб, диваннинг бир четига омонатгина чўзилди. Қанийди ўша сериал тонггача давом этса, ҳамма тикилиб ўтирса-ю, уни ҳеч ким безовта қилмаса. Ҳеч ким ҳеч нарса талаб қилмаса, сўрамаса, тергамаса. Ухласа, фақат ухласа!

Э воҳ, шуми келинлик? Нафис либосларга бурканиб, лов-лов ёниб юриши, эркаланиши, умрининг энг гўзал онларини яшаши керак эмасмиди? Қани ўша сарафроз, инжа туйғулар? Учқундек бир ялт этди-ю, илғаб-илғамасидан ўчди. Мана энди не кўйга тушди: биргина истаги — шу сериал тугамаса! Айни тобда мажолсиз вужудидаги ҳар бир ҳужайра уйқу истагига айланган, қовоқлари тобора оғирлашар, бутун борлиғи ила ором уммонига ғарқ бўлишга орзуда эди. Бу уммонда булутсимон оппоқ кўрпалар, оҳанраболи парёстиқлар, аллалагувчи ним шуъла сузиб юрар, боши узра зардек майин юлдузлар сочиларди. Унинг олий истагига гўё бутун коинот эшдек, "ухла, ухла" демиш ажиб сеҳрли садолар кезинарди. Сўнгра шу хафифлик ичра аллақандай узуқ-юлуқ дағал товушлар пайдо бўлиб, туйқус бирлашди ва даҳшатли жаранглаб кетди:

– Ҳей! Товуқ қўноққа чиқмасдан ухлайсан-а, тур, аямга қара!

– А? Нима бўлди?

– Ташқарига чиқ! – хўмрайди эри.

Келинчакни ҳузурбахш ҳислар зумда тарк этди, ўрнидан даст туриб ҳовлига отилди. Оғил томондан қайнонасининг зардали товуши келди.

– Айтдим, вақтида молдўхтирга кўрсатайлик деб! Жониворни қийнадиларинг. Бола ташлаб қўймаса бўлди энди! Қани келин?

Қайнотаси чақириб улгурмасидан ёнларига етиб борди. Эр-хотин малла сигирнинг атрофида куймаланишарди. Дўхтир келди, кўрди, даволаган бўлди. То бомдод маҳалигача, маллахон ўзини яхши ҳис қилиб жойига ётмагунича юриб чиқишди. Тонгга маҳал бироз мизғиб, яна ишларига шўнғишди. Оёғини аранг судраб ҳовли супурди, нонушта тайёрлади. Бир тоғора ем кўтариб оғилхона томон боракан, унга йирик кўзларини тикиб турган махлуққа қараб, кўнглидан бир лаҳзалик ғалати туйғу ўтди. Кейин ичида ўзини койиди: "Тавба, сигиргаям ҳавас қиладими одам..."

Йўқ, бунақаси кетмайди!

Келинчак тоғорани ерга тарақлатиб қўйди, жонивор чўчиб ортга тисарилди. Сўнг ишга отланаётган эри томон тез-тез қадам ташлаб юра бошлади. Шуурида асов бир тўлқин қўзғалган, аллақандай ичкин нидо бўғзига тиқилар эди: "Менга ёрдам беринг, суянг мени, эшитинг! Ахир одам келяпти, ОДАМ!.."

**Гулчеҳра АСРОНОВА.**

# Юрт қадри

**Барот ИСРОИЛ**

Дарбадар кезмаса ким, юрт қадрин билмас эмиш,
Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас эмиш.
Тома-тома кўл бўлур деганлари рост экан,
То умрбод уқмаса ким, ақли ҳам тўлмас эмиш.

Ватан тупроғига бош қўймагунча хаста ҳам,
Ҳаётдан умид узмай – жон таслим қилмас эмиш.
Сидқи дил заҳмат бирла, бахт томон очмасанг йўл,
Ўзгалар соясинда толейинг кулмас эмиш.

Мушкулни четлаб, чўчиб, осонни кўзлама ҳеч,
Эл ишидан қочса ким, обрўйи қолмас эмиш.
Манманлар кўкка сапчиб, шунчалик кетар тубан,
То дакки емагунча, ўзига келмас эмиш.
Имон-эътиқод ила Ватанингни сев, Барот.
Инсон зар, дунё билан бахтиёр ўлмас эмиш.



Фарғона шаҳар, Гулирайҳон кўчаси, 21-уйда жойлашган "Baraka fayz invest" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Жўйдам кўчаси, 73-уйда жойлашган "Shairaxon Said Islombek" фермер хўжалигига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Додхоҳ кўчаси 2-уйда жойлашган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлимига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ва "Фарғона ҳақиқати" газетаси таҳририяти ижодий жамоаси "Фарғона ҳақиқати" газетаси собиқ ходими, меҳнат фахрийси Маҳфузахон Усмоновага турмуш ўртоғи
**Инъомжон АҲМЕДОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11805.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14

Саҳифаловчи: Алишер Розиқов.

Газета жума куни чиқади. Адади: 2061 нусха.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.

Босишга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.30.

ISSN: 2010-8370